

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖЎРАЕВ МУРОД МАХМАРАЖАБ ЎҒЛИ**

**ПОЛИВИНИЛХЛОРИД ПЛАСТИКАТ АСОСИДАГИ ЯНГИ  
ИОНИТЛАРНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

**02.00.04 - Физик кимё  
02.00.06 - Юқори молекуляр бирикмалар**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020 йил**

УЎТ: 544.3: 544.4: 544.723: 541.64:547.478:542.952:620.192.5

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
chemical sciences**

**Жўраев Мурод Махмаражаб ўғли**

Поливинилхлорид пластикат асосидаги янги ионитларнинг физик-  
кимёвий хоссалари..... 3

**Жураев Мурод Махмаражаб угли**

Физико-химические свойства новых ионитов на основе  
поливинилхлорида пластика..... 21

**Djurayev Murod**

Physicochemical properties of new ion exchangers based on polyvinyl  
chloride plasticized..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖЎРАЕВ МУРОД МАХМАРАЖАБ ЎҒЛИ**

**ПОЛИВИНИЛХЛОРИД ПЛАСТИКАТ АСОСИДАГИ ЯНГИ  
ИОНИТЛАРНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

**02.00.04 - Физик кимё  
02.00.06 - Юқори молекуляр бирикмалар**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020 йил**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/К.146 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-kimyo.nuu/uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.Ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Мухамедиев Мухтаржан Ганиевич**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Бекчанов Даврон Жумазарович**  
кимё фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Рафиков Адхам Салимович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Тробов Хамза Турсунович**  
кимё фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.К.01.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил «18» ноябр соат «10<sup>00</sup>» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871)246-07-88; факс: (+99824)246-53-21; 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871)246-07-88, 277-12-24; факс: (+99871)246-53-21; 246-02-24; e-mail: chem0102@mail.ru. ).

Диссертация автореферати 2020 йил «7» 11 куни тарқатилди.

(2020 йил «7» 11 даги 10 рақамли реестр баённомаси)..

  
**Х.Т. Шарипов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси к.ф.д., профессор

**Д.А. Гафурова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби к.ф.д., доцент

**А. Ж. Холиқов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, к.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда иқтисодийнинг жадал ривожланиши натижасида саноат корхоналарининг кенгайиши, аҳоли сонининг ортиши ва уларнинг фаолияти натижасида оқова сувларни чиқиндилар ва захарли кимёвий моддалар билан ифлосланиши кузатилмоқда. Бу муаммони ечиш учун ионитлар қўллайдиган ионалмашинувчи технологиялардан кенг фойдаланилади ва улар ёрдамида ифлосланган оқова сувлар тозаланади, сувнинг қаттиқлиги юмшатилади, саноат корхоналари учун ишлатиладиган табиий сувлар тузсизлантирилади. Бундай технологиялар фақат сувни тайёрлашда эмас балки гидрометаллургияда қимматбаҳо ва бошқа рангли металлларни ажратишда ҳам ахамиятлидир.

Жаҳон миқёсида ионалмашинувчи технологияларда қўлланадиган синтетик ионитларни ишлаб чиқариш ўтган ўн йилга нисбатан икки баробар ортган. Аммо саноат тармоқлари кенгайиб ва ривожланиб борган сари катионалмашинувчи ва анионалмашинувчи материалларга талаб ортиб бораверади. Шу кунгача республикамиз саноат корхоналарининг эҳтиёжи учун юз тонналаб ионитлар валюта эвазига чет элдан олиб келинади. Шунининг олган ҳолда маҳаллий хомашёдан фойдаланиб ионитлар синтез қилишнинг физик-кимёвий жихатларини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда маҳаллий хомашёлар асосида ишлаб чиқариладиган полимер материалларининг ишлатилиш соҳаларини кенгайтириш, ионалмашинувчи материаллар олинишининг мақбул шароитлари аниқлаш ва уларнинг жорий этилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси<sup>1</sup>да «маҳаллий хомашёларни чуқур қайта ишлашни ва улар асосида янги импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўзда тутувчи саноатни янги сифат жихатдан юқорига кўтариш» га йўналтирилган вазифалар белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий хом ашёлар асосида истиқболли сорбентларни яратишнинг инновацион ва иқтисодий жихатидан самарадор йўлларида бири бу саноатда ишлаб чиқариладиган кўп тоннажли полимерларни кимёвий ўзгартириш жараёнини тадқиқ қилиш муҳим ахамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришни Ҳаракатлар стратегияси» ҳақидаги Фармони ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

---

<sup>1</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси / Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунгача поливинилхлоридни турли кимёвий моддалар билан модификациялаш реакцияларини тадқиқ қилиш орқали турли хил саноатни кўп жабҳаларида қўлланадиган материаллар яратилган. Хусусан бир қатор хориж олимлари N.S Shaglaeva, K. Toxomito, B. Bandbarum, R. Tataru-Farmus, R. P. Kusy, G. Martines, I.S. Ahmed, A.K. Ghoniam, A.A. Abdel., M. Аббас поливинилхлоридни модификациялаш орқали олинган материалларнинг физик-кимёвий хоссалари ва қўлланиш соҳаларини кенг қамровда ўрганишган. Мамлакатимизнинг бир қатор таниқли олимлари Мусаев У.Н., Аскарлов М.А., Рашидова С.Ш., Негматов С.С., Бабаев Т.М., Джалилов А.Т., Туробжонов С.М. ва бошқалар турли хил полимер материаллардан фойдаланиб, ионитлар олиниши ва хоссаларининг физик-кимёвий жиҳатларини тадқиқ қилиш орқали ионалмашув материалларни синтез қилиш ва қўллаш бўйича илмий изланишларга салмоқли улуш қўшганлар.

Поливинилхлорид пластикатни олтингурутли бирикмалар билан модификациялаш ва ҳосил бўлган олтингурутланган полимерни оксидлаш жараёнларини физик-кимёвий жиҳатларини тадқиқ қилиш, олинган сульфокатионитни кимёвий, термик барқарорликлари ва сорбцион хоссаларини текшириш кучли кислотали янги турдаги импорт ўрнини босувчи ион алмашувчи материални яратишга олиб келади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170925290+ПЗ-2017092965+ПЗ-20170927395 рақамли «Маҳаллий хомашё асосида ионитлар олиш ва уларни рангли ва камёб металлларни ишлаб чиқариш чиқиндиларидан ажратиб олиш учун қўллаш» (2018-2020 йй.) амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** поливинилхлорид асосида янги сульфокатионит олиниш жараёнини ва хоссаларини физик-кимёвий жиҳатларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

поливинилхлоридни олтингурут ва кальций полисульфид иштирокида модификациялаш орқали олтингурут тутган полимер материал олишнинг физик-кимёвий жиҳатларини ўрганиш ва мақбул шароитларини аниқлаш;

олтингугурт тутган полимерни оксидлаб сульфокатион олишнинг физик-кимёвий жараёнларини тадқиқ қилиш;

олинган сульфокатионитнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш;

сульфокатионитни металл ионларига нисбатан сорбцион хоссаларини тадқиқ қилиш;

маҳаллий хомашё асосидаги янги сульфокатионитни қўлланиш соҳаларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида поливинилхлорид, олингугурт, кальций полисульфид, натрий сульфид, сульфокатионит, металл тузлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** кимёвий ўзгаришлар, оксидлаш, сорбция, десорбция, регенерация, жараёнлар кинетикаси, изотермаси ва термодинамикасидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида ИҚ - спектроскопия, термогравиметрик анализ, дифференциал термик анализ, элемент анализ, микродорий ва сифат рентгенографик таҳлил, сканерловчи электрон микроскопия, оптик эмиссион спектроскопия, спектрофотометрия, комплексонометрия, сорбция жараёнларини ўрганишда Ленгмюр ва Фрейндлих назариялари ҳамда псевдо-биринчи ва псевдо-иккинчи тартибли кинетик моделлари каби замонавий назарий ва экспериментал тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор грануланган пластикат поливинилхлоридни олтингугурт ва кальций полисульфид билан модификациялашнинг кинетик параметрлари аниқланган ва мақбул шароитлари топилган;

таркибида олтингугурт тутган полимер материални сульфид гуруҳларини сульфо гуруҳгача оксидлаб янги сульфокатионит олишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

олинган сульфокатионитнинг физик-кимёвий хоссаларини текшириш орқали юқори сорбцион хоссага, термик ва механик барқарорликка эга эканлиги аниқланган ҳамда сульфокатионит хоссалари саноат миқёсида қўлланиладиган КУ-2-8 катионитига яқин эканлиги исботланган;

сульфокатионитларга кальций (II), магний (II) ва мис (II) ионлари ионлари ютилишининг кинетик ҳамда термодинамик параметрлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

грануланган поливинилхлорид пластикатни олтингугуртлаш ва оксидлаш орқали янги сульфокатионит олинган;

грануланган пластикат поливинилхлорид асосида олинган сульфокатионитни саноат корхоналари учун оқар сувларини  $\text{Ca}^{2+}$  ва  $\text{Mg}^{2+}$  ионларидан тозалаб юмшатишда қўллаш мумкинлиги аниқланган;

олинган катионит «МАХАМ-СНІРСНІQ» АЖда оқова сувларини мис(II), темир(III), никель(II) ва хром(III) ионларидан юқори самара билан тозалашни аниқланган;

олинган сульфокатионит ёрдамида гидрометаллургия саноатида технологик эритмаларни концентрлаш ва рангли металлларни ажратиш олиш имкониялари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ИҚ - спектроскопия, термогравиметрик анализ, дифференциал термик анализ, элемент анализ, микродорий ва сифат рентгенографик таҳлил, сканерловчи электрон микроскопия, оптик эмиссион спектроскопия, спектрофотометрия, комплексонометрия каби замонавий усуллар ёрдамида экспериментал натижалар олинганлиги билан асосланган. Ион мувозанат, адсорбция жараёнлари кинетикаси псевдо биринчи ва псевдо иккинчи тартибли моделлар ҳамда изотермаси Ленгмюр ва Фрейндлих изотерма моделлари ва термодинамикаси ҳақидаги замонавий назарияларда ишлатиладиган тенгламаларни қўллаш орқали олинган натижаларни таҳлил қилиш билан хулосалар чиқарилган ҳамда математик статистика усуллари билан қайта ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гетероген шароитда пластикат поливинилхлориддан олтингугурт тутган полимер ва сульфокатионит олишнинг кинетикасини ва олинган полимерларни физик кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш орқали жараён боришини бошқариш ва керакли хоссага эга бўлган ионитларни олиш мумкинлигини кўрсатишдан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хомашёлар поливинилхлорид ва олтингугурт асосида олинган сульфокатионит ёрдамида саноатда ишлатиладиган оқова сувларни тузсизлантириш, чиқинди сувлар таркибидаги экологияга салбий таъсир кўрсатувчи турли хил захарли ва оғир металл ионларидан тозалаш, гидрометаллургия саноатида технологик эритмаларни концентрлаш ва рангли металлларни ажратиш олишдан иборатдир.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Поливинилхлорид пластикати асосидаги янги сульфокатионитни физик-кимёвий хоссалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

технологик эритмаларни тозалаш усули «МАХАМ-СНІРСНІQ» АЖ амалиётига жорий қилинган («МАХАМ-СНІРСНІQ» АЖ нинг 2020 йил 13 февралдаги 19-15/09А-сон маълумотномаси). Натижада оқова сувлардан металл ионларни ажратиш олувчи мини ускуна яратиш имконини берган;

синтез қилинган сульфокатионит «МАХАМ-СНІРСНІQ» АЖ амалиётига жорий қилинган («МАХАМ-СНІРСНІQ» АЖ нинг 2020 йил 13 февралдаги 19-15/09А-сон маълумотномаси). Натижада оқова сувлар таркибидаги оралиқ металл мис (II), темир (III), никель (II) ва хром (III) ионларини микдорини 10% гача камайтириш имконини берган;



поливинилхлорид асосида олинган сульфокатионит ИОТ-2017-7-4 рақамли «Сорбентлар асосидаги термик барқарор тузлардан, газларни тозалашда қўлланиладиган, метилдиэтанолламинни тозаловчи фильтр элемент» мавзусидаги (2017-2019 йй) лойиҳада газларни тозалашда қўлланиладиган метилдиэтанолламинни ифлослантирувчи термик барқарор тузлардан тозалашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 89-03-2585-сон маълумотномаси). Натижада метилдиэтанолламинни тозалашни ва уни қайта ишлатиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 16 та, жумладан 4 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола республика, 3 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертацияси таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ишнинг долзарблиги, мавзунинг янгилиги ҳамда зарурлиги асослаб берилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари таърифланган, тадқиқотнинг объект ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, эришилган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ионитлар ва уларнинг физик-кимёвий хоссалари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида, таркибида сульфогурӯх тутган полимерларнинг физик-кимёвий хоссалари, уларни олинишининг ҳозирги ҳолати, сорбцион хоссали полимерлар олинишига олиб келувчи модификациялаш жараёнларнинг шароитлари кўриб чиқилди. Хусусан, поливинилхлоридни олтингугуртлаш реакцияларининг бир қанча йўналишлари бир-бирига таққослаб шарҳланди. Илмий-техника ва патент ахбороти ўрганилиб, турли сорбцион технологиялар учун мўжалланган ионалмашинувчи материалларни мақсадли қўллаш тенденциялари таҳлил қилинган. Мавжуд назарий ва амалий натижалар таҳлили асосида вазифанинг қўйилиши тавсифлаган. Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, берилган хоссалар мажмуига эга донадор ионитларнинг зарурияти тўғрисида

хулосалар келтирилган. Айни шу таҳлил натижасида поливинилхлорид асосида олинган турли хил хоссали сорбентлар ёрдамида экологик муаммоларни бартараф қилишда олиб борилаётган хориж ва республикамиз олимларининг изланишлари ҳам шу бобда ўрин эгаллаган.

Диссертациянинг «**Поливинилхлорид пластикат асосидаги янги сульфокатионит олинишининг физик-кимёвий жиҳатлари**» деб номланган **иккинчи бобида**, донатор ПВХ ни олтингугурт билан кимёвий модификациялаш учун олтингугурт, кальций полисульфид ҳамда натрий полисульфид каби модификаторлар иштирокида олиб борилган реакциялар ва таркибида олтингугурт сақлаган полимер материал олиш жараёнининг физик-кимёвий хусусиятлари ёритиб берилган.

Бугунги кунда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети Полимерлар кимёси кафедрасининг олимлари томонидан маҳаллий хом ашёлардан бир қатор янги ПАН асосидаги толасимон, ПАА асосидаги гелсимон ва ПВХ асосидаги донатор ионалмашувчи сорбентлар синтез қилинган.

Кафедра олимларининг илмий тажрибаларига суянган ҳолда, маҳаллий хомашёлар асосида донатор пластикат поливинилхлоридни олтингугурт иштирокида модификациялаш орқали янги сульфаткатионит олинди. Модификациялаш учун олинган пластикат поливинилхлорид дастлаб пластификаторларни чиқариш учун экстракцияланади, ундан сўнг олтингугуртлаш жараёнлари амалга оширилади. Бунда ПВХ ни кукунсимон  $S_n$ ,  $CaS_n$  ва  $Na_2S$  ёрдамида модификациялаш жараёнлари ўрганилди. Олиб борилган реакцияларнинг боришига турли хил омилларнинг таъсирини ўрганиш натижалари характерининг ўхшаш бўлиши аниқланган.

ПВХни кукунсимон олтингугурт билан модификациялаш реакциялари ёпиқ идишда 393- 453 К ҳароратларда, ҳамда реакция давомийлиги 2-10 соат давомида ўтказилган. Олинган маҳсулот таркибидаги олтингугуртни сульфогуруҳгача оксидлаш учун дастлаб концентранган нитрат кислотанинг сувли эритмаларида ҳар хил ҳароратларда оксидлаш реакциялари олиб борилди. ПВХ асосида сульфокатионит олишга турли хил омилларнинг таъсири сульфокатионитнинг САС қийматига асосланиб ўрганилган.

#### 1-жадвал


#### **ПВХ ни S билан модификациялаб олинган катионитнинг САС қийматини реакция муҳит ҳароратига боғлиқлиги(τ=4 соат.)**

Ҳарорат, К	393	403	413	423	433	443	453
САС, мг-экв/г	1,8	2,3	3,2	<b>3,4</b>	3,3	3,1	2,9
Масса, г. реакциядан олдин	2	2	2	2	2	2	2
Масса, г. реакциядан кейин	2,12	2,18	2,22	2,26	2,11	2,01	1,95
Масса ортиши, %	5,75	8,70	10,82	12,86	5,30	0,35	-2,75

Юқоридаги 1-жадвалдан кўриниб турибдики, реакция муҳит ҳарорати ортиши билан ҳосил бўлган катионитнинг САС қиймати 423 К гача ортган, кейин ҳарорат ортиши билан катионитнинг сорбцион хоссалари сусайган. Бунинг сабаби 433 К дан бошлаб ПВХ термик деструкцияга учрай бошлаганлигини хулоса қилиш мумкин.

ПВХ ва олтингурут реакцияси махсулотини идентификациялаш учун ИҚ спектр таҳлили ўтказилган. Олтингурут билан модификацияланган полимерларнинг ИҚ-спектрларида 1630-1680  $\text{cm}^{-1}$  соҳаларда ютилиш чизиклари кузатилди, ушбу ютилишлар  $>\text{C}=\text{C}<$  боғларнинг валент тебранишларига хосдир. Ушбу чизикларнинг пайдо бўлиши винилхлоридли занжирларнинг дегидрохлорланиши билан боғлиқдир. Ҳосил бўлган полимер ИҚ-спектрларида 1100  $\text{cm}^{-1}$  даги чизик тион гуруҳига  $\text{C}=\text{S}$ , 2550  $\text{cm}^{-1}$  ютилиш соҳаси гидросульфид боғланишининг  $-\text{S}-\text{H}$  валент тебранишига хос бўлиб, реакцияда ажралган  $\text{H}_2\text{S}$  полимер занжирида ҳосил бўлган қўшбоғларга бириккан бўлиши мумкин. Тажриба шароитларда олинган полимерларнинг ИҚ-спектрларида  $\text{C}-\text{Cl}$  боғланишни характерловчи 693 ва 635  $\text{cm}^{-1}$  соҳада ютилиш чизиклари пасайганлиги кузатилади. Барча ўрганилган намуналар учун 2966, 2922 ва 2862 2933  $\text{cm}^{-1}$  доираларда ютилиш чизиклари кузатилиб, улар полимер занжир таркибида  $\text{C}-\text{C}$ ,  $\text{C}-\text{H}$  ва  $\text{CH}_2$  деформацион тебранишларига хосдир.

Олинган ИҚ спектр таҳлилари асосида ПВХ га олтингурут таъсир қилиш реакция тенгламасини қуйидагича ифодалаш мумкин:



Реакциядан кўриниб турибдики поливинилхлориддаги маълум миқдордаги хлор атомлари олтингурутга алмашинади. Реакция давомида ҳарорат ортиши билан дигидрохлорланиш реакцияси борганлиги ва ҳосил бўлган қўшбоғларга маълум даражада водород сульфид бирикиши ва гидросульфид гуруҳлари пайдо бўлиши кузатилган.


ПВХга олтингурутни модификациялаш учун  $\text{CaS}_n$  эритмаси таъсирининг физик-кимёси ўрганилди. Модификациялаш жараёнларига эритманинг ҳажми, реакция ҳарорати, вақт таъсирида олинган сульфокатионитнинг  $\text{SAC}$  ўзгаришига кўра, сульфокатионит олинишининг муқобил шароитлари топилди. Тадқиқотлар натижасига кўра 50 мл  $\text{CaS}_n$  эритмаси, 6 соат давомида, 423-433 К ҳароратда  $\text{SAC}$  қиймати 3,5 мг-экв/г бўлган сульфокатионит ҳосил бўлган.

ПВХ ни  $\text{Na}_2\text{S}$  нинг ҳар хил нисбатлардаги эритмалари билан модификациялаш реакцияларига турли омилларнинг таъсири тадқиқ қилинди. Барча усулларда олинган сульфокатионитнинг  $\text{SAC}$  қиймати деярли бир хил эканлиги аниқланган.

ПВХни олтингурутлаш реакция муҳсулотлари таркибида боғланган олтингурут борлиги ИҚ спектроскопия, элемент анализ, миқдорий ва сифат, рентгенографик таҳлил усули ёрдамида тадқиқ қилинди. Олинган натижаларга кўра полимер таркибида сульфид, гидросульфид боғлари ҳосил

бўлганлиги, ҳосил бўлган полимер материал таркибида 18% гача олтингугурт тутиши аниқланган.

Олтингугуртланган полимер материални миқдорий ва сифат рентгенографик таҳлил усулида текшириш учун дастлаб пластикат ПВХ, кукунсимон олтингугурт иштирокида модификацияланган ПВХ ва кальций полисульфид иштирокида олтингугуртланган ПВХларнинг рентгенографик таҳлили ўрганилган.



**1 - расм. (а) ПВХ, (б) ПВХга S ва (с) CaS<sub>n</sub> билан модификацияланган полимернинг рентгенографик таҳлили**

Рентгенографик таҳлил натижаларига кўра, 1-расмда тасвирланган рентгенограммалардаги аниқланган рефлекслар, поливинилхлорид занжиридаги синдиотактик қисмларнинг мавжудлиги билан тушунтирилади. Ўрганилаётган намуналарнинг дифрактограммалари амалий жиҳатдан ўхшашдир (1-расм, а, б ва с- эгри чизиқлар). Бу ПВХнинг олтингугуртланиш жараёнида структуравий хоссалари ўзгармаганлигини англатади. Адабиётлардан маълумки, кристалл ПВХ юқори даражадаги синдиотактикликка эга. 1-б расмда 23° соҳада юқори чўққилар пайдо бўлганлиги кристалл олтингугуртга тегишли бўлиб, ПВХ таркибидаги ёки боғланмаган олтингугурт бўлиши мумкин. Келтирилган 1-с расмда ҳам айнан шу соҳада кучсизроқ чўққи пайдо бўлганлигини кўриш мумкин. Дастлабки ПВХ да кристаллик соҳаларни ифодаловчи чўққиларнинг олтингугуртланган ПВХ таркибида йўқолиб олтингугуртли қисмларга тегишли бўлган янги чўққилар ҳосил бўлган.

Олинган полимер таркибидаги олтингугуртни сульфогуруҳга ўтказиш учун турли концентрацияли HNO<sub>3</sub> сувли эритмаларида қиздириш билан реакция олиб борилди. Бунда нитрат кислотанинг 12 М ли эритмасида САС юқори қийматга эга бўлди. Оксидлаш жарёнига ҳароратнинг таъсири ўрганиш натижалари куйидаги 2-жадвалда келтирилган:


**2-жадвал.**

**Олтингугурт модификацияланган ПВХ таркибидаги олтингугуртни оксидлаш жараёнига ҳароратнинг таъсири. (τ =4 соат, HNO<sub>3</sub>(конц))**

Ҳарорат, К	323	333	343	353	363	373	383
САС мг-экв/г	1,2	1,4	2,9	3,3	<b>3,5</b>	<b>3,5</b>	<b>3,5</b>

Шунингдек ПВХ ни S билан модификациялаб олинган катионитнинг САС қийматини оксидлаш жараёнига реакция давомийлиги ўрганиш натижасида 4 соатда сульфокатионит юқори сорбцион хоссани намоён қилди.

Олинган сульфокатионитни идентификациялаш учун ИҚ-спектр таҳлили ўтказилди. Инфрақизил-спектроскопик тадқиқот маълумотлари қиёсий анализи катионит таркибида сульфогурух борлигини кўрсатади.




**2-расм. (а)ПВХ, (б) олтингуртланган ПВХ ва (с) сульфокатионитнинг ИҚ-спектрлари**

Юқоридаги (2-(с)расмга қаранг) инфрақизил спектрда 1723 ва 1210  $\text{см}^{-1}$  соҳаларда бир валентли  $-\text{SO}_3\text{H}$  боғланишларни характерлайдиган интенсив ютилиш соҳалари ва шунингдек 1220-1080  $\text{см}^{-1}$  соҳада  $\text{S}=\text{O}$  боғланишнинг валент тебранишларини,  $-\text{OH}$  гурухларини характерлайдиган 3400  $\text{см}^{-1}$  атрофида кенг ютилиш соҳалари пайдо бўлган.

Олтингурт модификацияланган полимерларнинг (2-(б) расмга қаранг) ИҚ-спектрларида 1630-1680  $\text{см}^{-1}$  доираларда ютилиш чизиклари кузатилди, ушбу ютилишлар  $>\text{C}=\text{C}<$  боғларнинг валент тебранишларига хосдир. Ушбу чизикларнинг пайдо бўлиши винилхлоридли занжирларнинг дегидрохлорланиши билан боғлиқдир. Шунингдек 1100  $\text{см}^{-1}$  даги чизик тион гурухига  $\text{C}=\text{S}$ , 2550  $\text{см}^{-1}$  ютилиш соҳаси гидросульфид боғланиш  $-\text{S}-\text{H}$  валент тебранишига хос бўлиб, оксидланиш реакциясидан кейин(2-(с) расмга қаранг) ушбу чўққилар йўқолганини кўриш мумкин. Бунинг сабаби ушбу гурухлар оксидловчи таъсирида оксидланиб, сульфогурухларга ўзгарганлигидан далолат беради. Намуналарнинг (2-(а, б, с) расмга қаранг) ИҚ-спектрларида 693 ва 635  $\text{см}^{-1}$  соҳаларда жадал ютилиш чизиклари аниқланиб, улар ўз навбатида  $\text{C}-\text{Cl}$  валент тебранишлари учун хосдир. Барча ўрганилган намуналар учун (2-(а, б, с) расмга қаранг) 2966, 2922 ва 2862 2933  $\text{см}^{-1}$  доираларда ютилиш чизиклари кузатилиб, улар полимер занжир таркибида  $\text{C}-\text{C}$ ,  $\text{C}-\text{H}$  ва  $\text{CH}_2$  деформацион тебранишларига хосдир.

Юқоридаги ИҚ спектроскопик таҳлил натижалари асосида олтингуртланган ПВХ таркибидаги олтингуртни нитрат кислота эритмаси билан оксидланиш реакциясини эхтимолий тенгламасини қуйидагича ифодаланган.


Қуйида келтирилган реакция тенгламасидан шуни айтиш мумкинки поливинилхлорид таркибидаги маълум миқдордаги хлор атомлари ўрнига янги сульфо гурухлар киритилган.



Демак, бу маълумотлар полимер таркибида янги сульфогурӯх ҳосил бўлганлигидан далолат беради ва у ионалмашинувчи катионит сифатида қўлланилиши мумкин.

Олинган полимер материалларнинг модификациясидан олдинги ва кейинги структур морфологияси сканерловчи электрон микроскоп ёрдамида олинган микрофотографиялар асосида тадқиқ қилинди. Бунда дастлабки пластикат ПВХ, экстракцияланган ПВХ, кукунсимон олтингугурт иштирокида модификацияланган ПВХ, ва сульфогурӯхлар тутган полимерларнинг микрофотографиялари қуйидаги расмларда келтирилган.

Пластификаторлар чиқарилиб олтингугуртни гранула ичига киришини таъминлаш мақсадида экстракцияланган ПВХга (3 - б расм) олтингугурт модификациялангандан сўнг (3- с расм) олтингугурт октаэдр кристаллар шаклида мавжуд бўлиб, полимер морфологик тузилиши ўзгарганлигини кўриш мумкин.



**3-расм. Текширилаётган полимерларнинг SEM микрофотографиялари. (а) ПВХ, (б) экстракцияланган ПВХ, (с) S модификацияланган ПВХ, (д) - SO<sub>3</sub>H гуруҳ тутган ПВХ асосидаги сульфокатионит.**

Поливинилхлоридга боғланмаган олтингугурт чиқарилиб оксидлаш натижасида олинган сульфогурӯх тутган намунанинг микрографик тузилишидан (3- д расм) кўриш мумкинки, сорбент юзасининг барча жойлари бир хил тузилишли ғовақлардан иборат. Бундай тузилиш сорбент юзасига металл ионларининг адсорбциясини яхшилаиди.

ПВХ асосида олинган сульфокатионит турли эритмалардан металл ионларини сорбциялаш хусусиятига эга бўлиб, NaOH бўйича САС 3,6 мг-экв/г га тенглиги аниқланган.


Диссертациянинг «**Олинган сульфокатионитнинг физик-кимёвий хоссалари**» деб номланган учинчи бобида, поливинилхлорид асосида олинган сульфокатионитнинг термик анализи, кимёвий барқарорлиги ва

катионитга турли хил металл ионларининг сорбциясининг физик-кимёвий қонуниятлари тадқиқ қилинган.

Саноатда қўлланувчи сорбентлар қатор талабларга жавоб бериши керак, хусусан турли металлларга нисбатан юқори сорбцион сиғимга эга бўлиши, сувда эримаслиги, кимёвий ва механик барқарор бўлиши, хароратнинг ўзгаришига барқарор бўлиши ва арзон бўлиши билан биргаликда кўп марта қайта ишлатиш хусусиятига, сувни тозалаш жараёнида технологик, экологик ва иқтисодий талабларга мос келиши керак. Агрессив физик-кимёвий таъсирларга барқарор бўлган, янги ион алмашинувчи ионитлар синтез қилиш долзарб масалаларидан бири бўлганлиги учун олинган ионитнинг таркиби ва тузилиши замонавий усуллар ёрдамида ўрганилди. Саноатда қўлланувчи ионитларга турли хил талаблар қўйилади шу талаблардан энг асосийлари бу термик ва кимёвий барқарорлик ҳисобланади.

Термик анализ бўйича куйида келтирилган 4-(а)расмга кўра ПВХ таркиби 518 К (245°C) гача ўзгармайди (термик барқарор), 519 К (246°C) дан кейин тезлик билан парчаланишни бошлайди (деструкция тезлиги 7% дақиқа). 636 К (363°C) да намунанинг қолган массаси 34,8% ни ташкил этади. Деструкция энергияси (экзотермик жараён) 113,2 Дж/г.

Олинган натижалар намунанинг таркибида кристалл структураси борлигини тасвирлайди, 296-643 К (23-370°C) харорат интервалида массанинг йўқотилиши иккита босқичда содир бўлади, биринчиси 403-433 К (130-160°C) интервалда бўлиб, ушбу интервалда -6,07% массанинг йўқотилиши билан намунанинг таркибидаги кристалл тизимларнинг суюқланиши содир бўлади. Кейинги босқичларда харорат ортиши билан масса ўзгариши кичик даражада камайиб бориб 527 К (254°C) да кескин камайиши кузатилган.



**4- расм. (А)ПВХ ва (Б) сульфокатионитнинг термик анализи.**

TG- термогравиметрик эгри; DSC - дифференциал сканерловчи калориметрик анализ эгриси.

Келтирилган натижалар дастлабки ПВХга нисбатан ҳосил бўлган сульфокатионитнинг термик барқарорлиги  $10^0$  га ортганлигини кўрсатди. ДСК нинг эгри чизиқларида -28,13 Дж/г энергиянинг ютилиши билан эндотермик чўққи кузатилади -  $T_{\text{мак}}=427$  К (154,8°C). Саноат миқёсида кенг қўлланиладиган КУ-2 катионитида эса термик барқарорлиги 373-403 К (100-130°C) да қўллаш мумкинлиги адабиётларда келтирилган. Бу эса саноатда қўлланиладиган катионитлар билан термик барқарорлиги бўйича рақобатлаша олишини кўрсатади. ПВХ асосидаги сульфокатионит 403-528 К

(130-255<sup>0</sup>C) ҳароратларда деярли массаси камаймасдан ўзининг таркибий тузилишини сақлаб қолиши кузатилди. Олинган ионит юқори термик барқарорликка эга эканлиги аниқланган.

Саноатда ишлатиладиган ионитлар агрессив шароитларда ишлатилишини инобатга олиб, ПВХ асосидаги янги сульфокатионитнинг кучли кислота, кучли ишқор ва кучли оксидловчиларга нисбатан кимёвий барқарорлиги тадқиқ қилинди. Бунда биз томондан олинган сульфокатионит саноат миқёсида кенг ишлатиладиган КУ-2 катионити билан солиштирилди. Катионитнинг турли кимёвий реагентларга нисбатан барқарорлиги юқори бўлиб, турли кимёвий таъсирлардан кейин катионитнинг статик алмашилиш сиғимининг камайиши ўртача 5-20% дан ошмаган. Олинган натижаларга кўра, олинган сульфокатионитни кучли кимёвий реагентлар таъсирига барқарорлиги жиҳатдан чет элда ишлаб чиқарилган КУ-2 катионит билан рақобатлаша олиши ва уни саноат корхоналарида қўллаш мумкинлиги кўрсатиб берилган.

ПВХ асосидаги сульфокатионитнинг қўллаш соҳаларини аниқлаш учун сорбцион хусусиятлари ўрганилди. Олинган сульфокатионитнинг Ca<sup>2+</sup> ва Mg<sup>2+</sup> ионлари сақлаган эритмалар таркибидан металл ионларини сорбциялаш жараёнининг физик-кимёвий қонуниятлари ўрганилган.

Сорбция жараёнининг механизмини (масалан кимёвий реакция тезлиги, диффузияни бошқариш ва масса узатилишини) аниқлашда кинетик моделлардан фойдаланилади. Сўнгги йилларда турли хил кинетик моделлар псевдо биринчи тартибли, псевдо иккинчи тартибли усуллардан фойдаланилди. ПВХ асосида олинган сульфокатионитга Ca<sup>2+</sup> ва Mg<sup>2+</sup> ионларининг сорбциясидаги кинетик параметрлар ҳисобланган натижалар қуйидаги 3-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал

#### ПВХ асосидаги сульфокатионитга Ca<sup>2+</sup> ва Mg<sup>2+</sup> ионлари сорбциясининг кинетик кўрсаткичлари ва активланиш энергияси.

Псевдо иккинчи тартибли						псевдо биринчи тартибли			E <sub>a</sub> кЖ/ моль
C <sub>0</sub> мг/л	q <sub>ex</sub> мг/г	q <sub>cal</sub> мг/г	R <sup>2</sup>	k <sub>2</sub> г/мг·мин	h г/мг·мин	q <sub>cal</sub> мг/г	R <sup>2</sup>	k <sub>1</sub> мин <sup>-1</sup>	
<b>Ca<sup>2+</sup></b>									
1000	36,34	43,47	0,996	0,000900	0,8904	36,1	0,986	0,006636	51,723
2000	44,44	52,63	0,995	0,000331	0,8500	44,0	0,853	0,006607	
3000	46,36	50,00	0,986	0,000184	0,5083	46,2	0,817	0,004009	
4000	52,02	55,55	0,985	0,000172	0,3252	52,4	0,903	0,003378	
<b>Mg<sup>2+</sup></b>									
600	14,41	15,38	0,998	0,001569	0,3713	14,4	0,852	0,006125	36,661
1200	19,20	20,83	0,996	0,000844	0,3664	19,2	0,914	0,006509	
1800	27,64	32,25	0,996	0,000217	0,2256	27,6	0,919	0,007115	
2400	28,82	31,25	0,991	0,000513	0,5005	28,8	0,979	0,005809	

Олинган сульфокатионитнинг сорбцион хоссаларини текшириш мақсадида олиб борилган кинетик тадқиқотларда пластикат ПВХ асосида, таркибида сульфогурӯх сақловчи янги сульфокатионитга кальций(II) ва



магний(II) ионлари сақлаган сунъий эритмалардан металл ионларнинг сорбцияси турли бошланғич концентрация ва ҳароратларда ўрганиш ушбу жараён кинетик параметрлар қийматлари  $\text{Ca}^{2+}$  ( $R^2=0,985-0,996$ ) ва  $\text{Mg}^{2+}$  ( $R^2=0,991-0,998$ ) ионларнинг сульфокатионитга ютилиши иккинчи тартибли адсорбция кинетикасига қонуниятлари асосида боришини кўрсатади. Бу эса  $\text{Ca}^{2+}$  ва  $\text{Mg}^{2+}$  ионларнинг ПВХ асосида олинган катионитга сорбцияланишида металл ионлари билан бир қаторда сорбент таркибидаги сульфогуруҳлар ҳам таъсир кўрсатганлигидан далолат берган.

Сорбция жараёнида металл ионларининг сульфокатионитга ютилишининг активланиш энергияси кальций иони учун 51,723 кЖ/моль ва магний иони учун 36,661 кЖ/моль, бу қийматлар асосида жараён сорбция  $\text{Mg}^{2+}$  ионларининг  $\text{Ca}^{2+}$  ионларига нисбатан кам активланиш энергия ҳисобига сорбцияланиши аниқланди. Металл ионларини сақлаган эритмаларда  $\text{Ca}^{2+}$  ионларининг гидратланган радиусидан  $\text{Mg}^{2+}$  ионларининг гидратланган радиуси катта бўлади. Шунинг учун металл ионлари ва ионит юзасидаги  $-\text{SO}_3^-$  гуруҳлари ўртасида кучли электростатик тортишиш юзага келиши натижасида  $\text{Mg}^{2+}$  ионлари  $\text{Ca}^{2+}$  ионларига нисбатан ионитга мг-экв миқдорида кўпроқ ютилган.

Сорбциянинг мувозанат жараёнларини таҳлил қилиш учун сорбция изотермалари энг муҳим восита ҳисобланади. Сувоқ ва қаттиқ системаларда мувозанат жараёнларини ифодалаш учун энг кўп қўлланилган ва қулай бўлганлари Ленгмюр ва Фрейндлих моделларидир.

ПВХ асосидаги сульфокатионитга  $\text{Ca}^{2+}$  ва  $\text{Mg}^{2+}$  ионларининг сорбция жараёни учун юқорида келтирилган методлардан фойдаланиб тегишли формулалар асосида изтерма константалари ҳисоблаб топилди. Олинган натижалар қуйидаги 4-жадвалда келтирилган.

#### 4-жадвал

#### ПВХ асосидаги сульфокатионитга (а) $\text{Ca}^{2+}$ ва (б) $\text{Mg}^{2+}$ ионлари сорбциясида Ленгмюр ва Фрейндлих константа қийматлари

Ионлар	Ленгмюр константалари				Фрейндлих константалари		
	$q_{\text{max}}$ , мг/г	$K_L$	$R_L$	$R^2$	n	$K_F$	$R^2$
Ca(II)	55,5	0,00085	0,225	0,997	5,68	11,72	0,982
Mg(II)	38,5	0,00074	0,359	0,972	2,44	1,18	0,968

Келтирилган 4-жадвалда сорбция изотермасининг Ленгмюр ва Френдлих тенгламалари бўйича барча ҳисобланган натижалари келтирилган. Френдлих параметрлари қийматлари мос равишда  $\text{Ca}^{2+}$  ва  $\text{Mg}^{2+}$  ионлари учун  $n=4,5$  ва  $5,3$  га тенг бу эса сульфокатионитга металл ионларининг сорбцияси юқори даражада борганлигидан далолат беради. Коррелацион коэффициентлари  $R^2$  қийматлари  $\text{Ca}^{2+}$  учун 0,998 ва  $\text{Mg}^{2+}$  учун 0,997 га тенг ва концентрация ўзгариши адсорбция жараёни Ленгмюр мономолекуляр адсорбцияси назариясига буйсунишини ( $R_L$ -қулай бўлиши) кўрсатилган.

ПВХ асосида олинган сульфокатионитга 293 дан 313К ҳароратлар ораликларида эритмалардан  $\text{Ca}^{2+}$  ва  $\text{Mg}^{2+}$  ионларининг сорбция жараёнларида термодинамик параметрларнинг ўзгариши ўрганилди. Бунинг учун эритмада

борадиган сорбция жараёнидаги  $\ln K$  ва  $1/T$  боғлиқлик графигидан ҳисоблаб топилган  $\Delta H$ ,  $\Delta S$  ва  $\Delta G$  қийматлари 5-жадвалда келтирилган.


5-жадвал.

**Сорбция жараёнида термодинамик параметрларнинг ўзгариши**

Металл ионлари	$\Delta H^0$ (кЖ/моль)	$\Delta S^0$ (Ж/моль·К)	$-\Delta G^0$ (кЖ/моль)		
			293 К	303 К	313 К
$Ca^{2+}$	8,44	52,72	6,99	7,52	8,05
$Mg^{2+}$	3,01	37,84	8,06	8,44	8,82

Келтирилган 5-жадвалдан кўринадикки Ленгмюр мувозанат константаси асосида ҳисоблаб топилган  $q_{max}$  қиймати 293, 303 ва 313К ҳароратларда ошиб борган. 5-жадвалда келтирилган  $\Delta H^0$  мусбат қийматга эга ва адсорбция жараёни эндотермиклиги аниқланди. Шунингдек система энтропиясининг ортиши сорбент юзасидаги  $Na^+$  ионлар билан эритма таркибидаги  $Ca^{2+}$  ва  $Mg^{2+}$  ионлари ўртасида ионалмашиниш реакцияси борганлигидан далолат беради. Эркин энергиянинг камайиши  $Ca^{2+}$  ва  $Mg^{2+}$  ионларининг сульфокатионитга сорбцияси ўз-ўзича борганлигини кўрсатади.

Олинган сульфокатионитни саноатда қўллаш мумкунлигини аниқлаш мақсадида катионитнинг динамик шароитда сорбцион ва десорбцион хоссалари тадқиқ қилинди. Бунинг учун статик алмашиниш сифими ( $SAC=3,5$  мг-экв/г)га тенг бўлган донадор сульфокатионит активланган ҳолатда колонналага жойлаштирилди. Ўрганилаётган металл ионлари тутган эритмалар калоннадан 1, 2 ва 3 мл/мин тезликда, тескари оқим усулида ўтказилди. Ионалмашиниш жараёнидан кейинги, яни калоннадан чиқаётган эритма концентрацияси комплексонометрик усул билан ўлчаб борилган.



**5-расм. ПВХ асосидаги сульфокатионитдан ўтган эритмаларда (а)  $Ca^{2+}$  ва (б)  $Mg^{2+}$  ионлари концентрацияси ўзгаришининг эритма ҳажмига боғлиқлиги.**

Юқоридаги 5 - расмда калоннадан чиқаётган эритмадаги металл ионларининг концентрациясининг сорбентдан ўтказилаётган эритма ҳажмига боғлиқлиги келтирилган. Келтирилган 5- расмдан кўриниб турибдики, калоннадан эритмаларининг ўтиш тезлиги камайиши билан металл ионларининг сульфокатионитга сорбцияси ортиб борган. Бунга сабаб ион алмашинувчи сорбент функционал гуруҳлари билан туз эритмасидаги металл ионлари алмашиниши кучаяди.

ПВХ асосидаги сульфокатионитни динамик шароитда десорбциялаш орқали  $Ca^{2+}$  ва  $Mg^{2+}$  ионларининг такрорий сорбцияси ўрганилди. Олинган натижаларга кўра, хлорид кислота билан десорбциялаш ёрдамида тозаланган

сульфокатионитга  $\text{Ca}^{2+}$  ва  $\text{Mg}^{2+}$  ионларининг такрорий сорбцияси натижасида унинг ДАС қийматини ўзгармаганини кўриш мумкин.

Бу эса олинган сульфокатионит аниқланган юқоридаги ва бошқа физик-кимёвий параметрларига кўра ионитларга қўйиладиган 20298-74 ГОСТ талабларга тўлиқ жавоб беришини кўрсатади. Шунинг учун ушбу ионитни импорт қилиб олиб келинадиган ва саноатда қўлланилувчи ионитлар қаторида ишлатиш учун саноат корхоналарига сувни тозалашда қўллаш учун тавсия этиш мумкин.

Оқова сувлари таркибидаги тирик организмлар учун зарарли бўлган металл ионларини ионитлар ёрдамида ажратиб олиш долзарб муаммо ҳисобланади ва Республикамизда бундай ионитларга бўлган талаб жуда юқори. Шунини инобатга олган ҳолда мис, темир, хром ионларини сорбциялаш учун ПВХ асосидаги сульфокатионит иштирокида тэхнологик эритмалардан метал ионларини ажратиб олиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Олинган натижалар асосида сульфокатионитнинг оралиқ металлларни сорбциялаш хусусияти аниқланди. ПВХ асосида олинган сульфокатионитдан «МАХАМ-СНІРСНІҚ» АЖнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўлимида оқова сувлар таркибидаги металл ионларини ажратиб олиш ва тозалашда фойдаланилди. Оқова сувлар таркибида тозаланиши керак бўлган асосий катионлар б-жадвалда келтирилган бўлиб, асосан ушбу ионлар миқдорини камайтириш талаб қилинади.

#### б-жадвал

#### ПВХ асосидаги сульфокатионитнинг оқова сувлардаги ионларни сорбциялаб камайтириши

Мавжуд ионлар	Cu	Fe	Cr	NH <sub>3</sub>
Дастлабки миқдори, мг/дм <sup>3</sup>	2044	20	75	21395
Сорбциядан кейинги миқдори, мг/дм <sup>3</sup>	314,2	1,69	15,75	426,4

Олинган сульфокатионит оқова сув таркибидан ионларни тозалаш учун адсорбцияловчи мини ускуна колонна қўйилди. Колонна ичига ионит жойлаштирилди ва оқова сув ўтказилди. Колонна ичига кираётган ва чиқаётган сув тезлиги назорат қилинади. Адсорбция жараёни кириш ва чиқишдаги сувдаги ионларнинг миқдорини таққослаб назорат қилинган.

Тадқиқот натижаларига кўра "МАХАМ-СНІРСНІҚ" АЖ мутахассислари оқова сувларни металл ионларидан тозалаш учун ион алмашувчи ионитдан фойдаланган ҳолда мини ускунанинг сувни тозалашда стандарт меъёрий кўрсаткичларга мувофиқлигини тасдиқлади. Юқоридаги қурилмани жорий қилиш саноат корхоналаридан чиқаётган оқова сувларини атроф муҳит экологиясига салбий таъсир кўрсатувчи метал ионларидан тозалашда юқори самара берди шунингдек, маълум иқтисодий фойда келтиради.

Диссертациянинг «Катионитлар синтези ва хоссаларини тадқиқ қилиш усуллари» деб номланган тўртинчи бобда қўлланилган реактивларнинг тавсифи, полимерларда кимёвий ўзгаришлар олиб бориш усуллари ва тадқиқотлар услублари келтирилган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Пластикат поливинилхлоридни кукунсимон олтингугурт ва кальций полисульфидлар иштирокида кимёвий ўзгаришлари жараёнини кинетикасига турли хил омилларнинг таъсирини тадқиқ қилиш натижасида олтингугуртланган полимер олишнинг мақбул шароитлари топилди ва физик-кимёвий усуллар ёрдамида ҳосил бўлган полимер материал таркибида сульфид, гидросульфид ва дисульфид гуруҳлари борлиги сульфогуруҳ тутган катионит олиш иконини берди.

2. Олтингурт тутган поливинилхлоридни оксидлаш жараёнининг физик-кимёвий жиҳатларини тадқиқ қилиш орқали янги сульфокатионит яратиш имконияти кўрсатилди, мақбул шароитлари аниқланди; олинган полимерни физик-кимёвий усуллар билан идентификациялаш орқали поливинилхлорид занжирида ион алмашилиш хусусиятига эга сульфогуруҳлари ҳосил бўлганлиги исботланди. Ушбу тадқиқотлар сульфокатионит учун корхона стандарти техник шароитларини ишлаб чиқиш имконини берди.

3. Пластикат поливинилхлорид асосида олинган донадор сульфокатионитнинг физик-кимёвий хоссалари ўрганилди, кимёвий ва термик барқарорликлари аниқланди. Олинган ионитни сканерловчи электрон микрофотографиялари таҳлили унинг сорбциялаш жараёнини осонлаштирувчи ғовак тузилишга эгаллиги тасдиқлаш имконини берди.

4. Сульфокатионитга кальций ( $\text{Ca}^{2+}$ ) ва магний ( $\text{Mg}^{2+}$ ) ионларининг ютилиш кинетикаси тадқиқ қилинди ҳамда кинетик параметрлар ва сорбция жараёнининг активланиши энергияси ҳисоблаб топилди. Олинган натижалар ўрганилаётган жараён псевдо-иккинчи тартибли реакциялар қонуниятлари бўйича боришини кўрсатиш имконини берди. Кинетик таҳлиллар асосида  $\text{Mg}^{2+}$  ионларини  $\text{Ca}^{2+}$  ионларига нисбатан ионитга кўпроқ ютилганлигини металл ионлари гидратланган ион радиусларига боғлиқ.

5. Металл ионлари сорбция мувозанат ҳолатлари ва термодинамикасини тадқиқ қилиш орқали ўрганилаётган жараён Ленгмюрнинг мономолекуляр адсорбцияси назариясига бўйсунуши ҳамда сорбция жараёнининг термодинамик параметрлари - эркин энергия ( $\Delta G$ ), энтальпия ( $\Delta H$ ) ва энтропия ( $\Delta S$ ) қийматлари ўзгариши  $\text{Ca}^{2+}$  ва  $\text{Mg}^{2+}$  ионларининг ионит билан ионалмалиниш реакцияси орқали ютилишини кўрсатди.

6. Поливинилхлорид асосида олинган сульфокатионит иштирокида оқар сувларини юмшатиш учун бир неча маротаба динамик шароитда катионитда сорбция, десорбция жараёнлари амалга оширилганда, унинг сорбцион хоссалари ўзгармасдан қолгани кузатилди ва натижада катионитни саноат корхоналарида табиий сувларни юмшатишда ва тозалашда кўп маротаба қўллаш мумкинлигини имконини берди.

7. Сульфокатионит ёрдамида «МАХАМ-СНРСНІQ» АЖ технологик жараёнларида ҳосил бўладиган оқава сувларини оралиқ металл ионларидан тозалашга имкон берувчи мобил ускуна ишлаб чиқилди ва саноат миқёсида жорий қилиниш учун тавсия этилди.

**РАЗОВЫЙ УЧЕНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ  
СТЕПЕНЕЙ НА ОСНОВЕ УЧЕНОГО СОВЕТА DSc.03/30.12.2019.K.01.03  
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**ЖУРАЕВ МУРОД МАХМАРАЖАБ УГЛИ**

**ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА НОВЫХ ИОНИТОВ НА  
ОСНОВЕ ПОЛИВИНИЛХЛОРИДА ПЛАСТИФИКАТА**

**02.00.04 - Физическая химия  
02.00.06- Высокомолекулярные соединения**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2020 год**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.4. PhD/К.146

Докторская диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу Научного совета ik-kimyo.nuu.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу www.ziyo.net.uz.

**Научные руководители:**

**Мухамедиев Мухтаржан Ганиевич**  
доктор химических наук, профессор

**Бекчанов Давронбек Жумазарович**  
доктор химических наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Рафиков Адхам Салимович**  
доктор химических наук, профессор

**Троров Хамза Турсунович**  
доктор химических наук, профессор

**Ведущая организация:**

Институт общей и неорганической химии

Защита диссертации состоится «18» ноября 2020 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019. К.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (998 71) 246-07-88; (998 71) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за № 85). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-07-88, 277-12-24; факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24.)

Автореферат диссертации разослан «7» ноября 2020 г.  
(протокол рассылки № 10 от «7» ноября 2020 г.).



**Х.Т. Шарипов**  
Председатель разового Ученого совета  
по присуждению ученых степеней  
д.х.н., профессор

**Д.А. Гафурова**  
Ученый секретарь разового Ученого  
совета по присуждению ученых  
степеней д.х.н., доцент

**А.Ж.Холиков**  
Заместитель председателя научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день в мире в результате стремительного экономического развития наблюдается расширение промышленных предприятий, рост населения земли, деятельность которых приводит к загрязнению сточных вод отходами и различными вредными химическими веществами. Для решения этой проблемы широко используются ионообменные технологии с использованием ионообменников; с их помощью очищаются загрязненные сточные воды, снижается жесткость воды, опресняются природные воды промышленных предприятий. Такие технологии имеют большое значение не только в водоподготовке, но и в гидрометаллургии при выделении драгоценных и других цветных металлов.

В мире производство ионитов используемых в ионообменных технологиях по сравнению с прошедшим десятилетием возросло в два раза. Однако с развитием и расширением отраслей промышленности всё больше будет возрастать потребность в катионообменных и анионообменных материалах. На сегодняшний день в Республику из-за рубежа за валюту завозятся сотни тонн ионитов. С учетом этого одной из важных задач является изучение физико-химических аспектов синтеза ионообменников и создание их производства с использованием местного сырья.

В Республике осуществляется ряд мероприятий по расширению использования полимерных материалов, производимых на основе местного сырья, определению оптимальных условий получения ионообменных материалов и их внедрения. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан<sup>1</sup> определены важные задачи, направленные на «повышение качества промышленности на новый уровень, предполагающий глубокую переработку местного сырья и производство на его основе новых импортозамещающих продуктов». Одним из инновационно и экономически эффективных направлений создания перспективных сорбентов является изучение процесса химической модификации много тоннажных полимеров, производимых в промышленности.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач, предусмотренных постановлениями Президента Республики Узбекистан ПП-5953 «О Государственной программе на год науки, просвещения и цифровой экономики» и Постановление ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия дальнейшего развития Республики Узбекистан» и 3 апреля 2019 года. Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, поставленных в Постановлении № ПП-4265 «О мерах по дальнейшему реформированию химической промышленности и повышению ее инвестиционной привлекательности» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

---

<sup>1</sup> Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы / Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике VII. Химия, химическая технология и нанотехнология.

**Степень изученности проблемы.** Исследованием химической модификации поливинилхлорида были получены различные материалы, используемые во многих сферах народного хозяйства.

